

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

№ 30 (4532)
2019 ЙИЛ 26 ИЮЛЬ

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

УЛКАН МАҚСАД ВА ЮКСАК ИШОНЧ



 **МУНОСАБАТ**

баҳоидир. Бунда, албатта, ўтган йиллар давомида Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Адабий дўстлик — абадий дўстлик" дир деган даъвати, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариб бўйича ҳар икки қардош халқнинг улуғ сиймоларини қадрлаш, уларнинг ўлмас меросларини ўрганиш ва тарғиб қилишга жуда катта эътибор қаратилгани, "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида" махсус қарор қабул қилингани, унинг иқросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ва қардош Қозоғистонда кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилгани халқларимизнинг адабиёти ва маданиятига бўлган улкан ҳурмат ҳамда ишончининг ёрқин ифодаси бўлди.

МЕҲР МАСОФА БИЛМАЙДИ

[illegible]

Б.ХАЙДАРОВ

A portrait of a man with glasses, wearing a dark suit, white shirt, and red tie. He has a medal pinned to his left lapel. The background is dark and indistinct.

Ўзбекистондаги Халқаро Бобур
жамғармасининг Швециядаги
вакили.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИ

Шароф Рашидов сазй-харакаatlари билан Кобул Политехника биноси ёнида кад кўтарган Ижтимоий фанлар институтининг гўзал ва улкан иморати ўзбек меъморчилигини услубида курилиб, Афғонистон халкига совға килинди. Уч каавати бил чиройли бино учта ётқонхона, катта кутубхоналар, замонавий аппаратлар билан жиҳозланган кенг, мухтамм конференциялар зали ва турли аудиториалардан иборат бўлиб, уларни безатишда Ўзбекистоннинг рангли мармар тошлари ишлатилган эди.

БИР ИЛДИЗДАН КҮВВАТ ОЛГАН ЭГИЗ ЖОН

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Сунғи ки йилда ўзро ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар, улардаги таассуротларнинг ҳар бири алоҳида мақолага мавзу бўлади. Шахсан ўзим ҳам ўтган йили ва шу йил Нур-Султон (Остона) ва Олма-Ота шаҳарларида ташкил этилган иккита муҳим адабий анжуманда иштирок этдим. Ўша сафарлар чоғида уйғонган хис-ҳаяжонлар хануз калбимда ёлқинланиб турибди.

Каъбатуллоҳ зиёрати — ҳар бир мусулмоннинг орзуси. Таассуфлар бўлсинки, миллатимизнинг не-не фозил фарзандлари учун бу орзу армонга айланган замонлар ҳам бўлди. Яратганининг буюк инъоми — муқтадирлик йилларида ушбу ибодат учун ҳам муайян шароитлар яратила бошланди. Кейинги икки йилда эса бошқа барча соҳаларда бўлгани сингари ҳаж ибодати учун мамлакатимизда ҳар қачонгидан ҳам кенг имкониятлар яратилди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида эътибори туфайли юртдошларимизга ҳаж сафари мобайнида кўрсатиладиган хизматлар сифати янада оширилди, сарф-харажатлар арзонлаштирилди. 2016 йилда 5200 нафар ватандошимиз ҳаж амалларини адо этиб келган бўлса, 2017 йилдан бундай шарафга эришганлар сони яна икки минг кишига кўпайиб, 7200 нафарга етди. Бу неъмат учун ҳар қанча шукрлар айтилса оз.

Тан олиш керак, оддий одам билан мутафаккир ижодкорнинг ҳаж ибодати бир-бирдан кескин фарк қилади. Ижодкор бошқалардан фарқи ўларок бажараётган амалларнинг моҳиятини чуқур англайди, ҳаж маърифатини теран ҳис этади. Бу билан ҳам чекланмай, туйғуларини гўзал бадий шаклда коғозга муҳралиди. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркатнинг “Ҳажнома” асари бунинг ёрқин исботидир. 1891 йил сентябрь ойининг охирида Истанбулга борган Фуркат мазкур шахардаги “Миллат боғи”да сабога хитобан ёзилган машҳур шеърини мактубида ўзининг бундан кейинги саёҳат режаси, хусусан, ҳажга бориш нияти ҳақида ҳам маълум қилган эди. Жумладан, тошкентлик дўсти Авлиёхўжага салом йўллар экан, шоир мана бундай ёзган:

Қулоғига дегил охирига оининг:
“Ушал Фуркат деган аҳоби жонинг.
Дилида бор экан бир муддаоси,
Муассар ўлгай ўлса Ҳаж ризоси.
Яқин фурсатда мақсудига етгай,
Насиб ўлса, Мадина сори кетгай”.

Фуркатшуносликка оид шўролар даврида яратилган талқинотларда шоирнинг Араб мамлакатларида боргани қайд этилган бўлса-да, унинг ҳаж арконларини адо этгани, диний-маърифий мавзуда кўплаб асарлар ёзгани, ҳаж таассуротлари акс этган “Ҳажнома”си хусусида мулоҳаза юритилган эмас.

Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи Фуркат фондида 5 ашъвий рақами билан сақланаётган ҳужжатда шоирнинг ҳаж арконларини адо этганига доир қуйидаги маълумот берилган: “Қўқонлик машҳур шоирларимиздан Фуркат, исмлари Зокиржон ҳожим, бирмунча вақт Хўқандда туруб, шеърлар айтиб, охири Маккага аъзамга бориб, дастлаб боби ислом дарвозаларидин қараб, Байтуллоҳни ўз кўзи билан кўруб туруб... айтган шеърларидур. Байтуллоҳга қараб айтқонлар...”.

Муаллифи номаълум ушбу ҳужжатда шундан кейин шоирнинг “Қаройгон дилга бертил нури покнингдин зиё, ё Раб” мисраси билан бошланувчи газали берилган.

Фуркат ҳаёти ва ижоди бўйича олиб борилган изланишлар шоирнинг шахсий муҳрида ҳам ҳожи унвони акс этганига оид далилларни аниқлаш имконини берди. Жумладан, шоирнинг Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган Ёрқентдан 1896 йил август ойида ва сана қўймасдан йўллаган

Бўмбайдан йўллаган мактубидаги: “муҳаррам ойида Жидданин ҳаракат айлаб, бандари маъмураи Бўмбайга келгани”га доир хабари шоирнинг Араб мамлакатларида қанча муддат бўлганини аниқлаш имконини беради. Агар Фуркатнинг 1892 йил февраль ойининг охирида Маккаи мукаррамага боргани, шоир Бўмбайга келган муҳаррам ойи 1892 йил августига тўғри келиши ҳисобга олинса, у Араб мамлакатларида олти ойдан кўпроқ бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Бу муддат давомида Фуркат кизгин

ғамбар алайҳиссаломнинг муборак равазларини зиёрат этиш шарафига ноил этгани учун Яратганга ҳамд, набийлар сарварига салавоту дуруд руҳи ифода қилган. Иккинчи ва учинчи таржия Мадинаи мунавварадаги Ҳарам шариф — Масжид ан-нававий вақфига бағишланган. Тўртинчи таржияда меърож воқеаси тасвирланган. Бешинчи таржияда “Одам фарзандларининг афзали, олам яралишининг, бани Одам мукаррамлигининг

жиъбанди ҳам инсон ва унинг моҳияти билан боғлиқ фалсафий фикрлар бетакрор бадиият билан ифода этилган.

Туркий адабиёт назарийчиси Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг фикрича: “...мажмуи шуаро истилоҳинда шеърнинг аксоми, улким мўътабардур, ўн навъ келибтур: қасида, ғазал, китъа, рубоий, маснавий, таржия, мусаммат, мустазол, мутававал, фард” (Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Т.: Ҳазина, 1996, 32-бет). “Шеър аксомининг ушбу мўътабар ўн навъ”нинг деярли барчасида қалам тебратган Фуркат “Ҳажнома”ни шулардан олтинчиси бўлган таржияда ёзган.

“Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдуқ, — деб ёзди Шайх Аҳмад Тарозий, — ҳар қойсида агар Тенгри аъза ва жалага ҳамд айтсалар, они тавҳид дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳиссалоту вас-саломни васф қилсалар, наът дерлар. Агар Тенгри хазратинда тазару қилсалар, муножот ўқурлар. Ва хулафои рошидинини таъриф қилсалар, манокби ва манкабат ва тамаддух ўқурлар” (Ўша манба, айни саҳифа).

“Ҳажнома”нинг яна бир эътиборга лойиқ жиҳати, унда олим таъкидлаган мазкур тўрт йўналиш — тавҳид, наът, муножот ва манокби мужассам бўлгандир. Бу фикрлар Фуркат “Ҳажнома”сининг пухта назарий асосга ҳамда юксак маърифий аҳамиятга эга экани далилидир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ҲАЖ ВА УНИНГ МАЪРИФАТИ

дастхат мактубларида “Зокиржон ҳожи” унвони билан, шунингдек, 1905 йил 10 июлда юборган мактубида “Ҳажим Зокиржон ҳожи” деган битик билан муҳр босилгани ушбу фикрни тасдиқлайди.

Фуркатнинг Жидда-Макка йўлидан ёзган дастхат мактубидаги “...йитирма бешинчи моҳи ражабда Жиддаи муборакка дохил бўлуб, уч-тўрт кун туруб, Маккаи мукаррамага чиқиб кетдим” деган сўзларига қараганда, шоир 1892 йил 24 февралда Жиддага борган ва февралнинг охирида Маккаи мукаррамага жўнаган.

Шоир мактубда бундан кейинги режалари ҳақида ҳам маълумот беради: “Эмди хоҳлайманки, ҳаж қилгондин кейин Бўмбайга ўтуб, Қалкуттагача боруб ва ғайри Ҳиндустон мамлакатларини саёҳат қилиб, андин сўнгра Тошқандга борсам деб”.

ижодий фаолият билан шуғулланди. 216 мисрадан иборат “Ҳажнома”си, мусаббаъ жанридаги фалсафий шеъри, диний-маърифий мавзудаги ғазаллари шоирнинг Араб мамлакатларидаги ижоди самарали бўлганини кўрсатади.

Шоир “Ҳажнома”си — адабиётимиз тарихида ушбу мавзуда ёзилган асарларнинг энг мукаммал намунаси. Асар ҳажм жиҳатидан салмоқли, моҳиятан теран, бадиият нуқтаи назаридан юксак экани билан алоҳида ажралиб туради. Ўша даврда тузилган кўплаб кўлзма ва тошбосма манбаларда учраши ҳам бу асарнинг халқ кўнглидан чуқур жой олгани, эл орасида машҳур бўлгани далилидир.

Шоир “Ҳажнома”си таржиябанд жанрининг бетакрор намунасидир. Асар 12 таржиядан таркиб топган бўлиб, ҳар бир банди 18 мисрадан жами 216 сатрни ўз ичига олади. Биринчи таржияда пай-

боиси” Муҳаммад алайҳиссалом васф этилади. Олтинчи таржия равази муборак тавсифига бағишланган. Еттинчи таржияда Уҳуд тоғи, саккизинчисиди Масжид ул-Кубо зиёрати таассуротлари берилган. Тўккизинчи таржияда Қиблатайин масжиди тарихи гўзал бадий лавҳаларда акс этган. Учинчи таржияда шоирнинг инсон ва унинг моҳияти, ибодатнинг одамзод ҳаётидаги ўрнига доир фалсафий хулосалари ифода қилган. Ўн биринчи таржия Мадинаи мунаввара таърифи бағишланган. Ўн иккинчи таржияда бу муборак шаҳар зиёрати боис шоир қалбига кечган авлодларга ибрат бўларли фикрлар бадий талкин этилган.

“Ҳажнома” арузнинг ҳажажи мусалласи маҳзуф (мафойилун-мафойилун-фаулун) вазида ёзилган. Фуркатнинг аксарият асарлари каби ушбу тар-

ҲАЖНОМА

Биринчи таржия

Забонимга олиб ҳамди Худони,
Демак вожиб манго шукру санони.
Иноят айлабон осий қулига
Мушаффиъ¹ этти шоҳи анбиё² ни.
Етурди жаннатоси раваъ³ сиға
Манингдек осийи юзи қарони.
Зиёрат айладим қабри шарифин
Ҳабиби Ҳақ — Муҳаммад Мустафони.
Яна Абу Бакр — чорёри аввал,
Ўшал вофий⁴, содиқи босафони.
Умар — раънақфизойи нури иймон,
Расулдуллоҳга эрди ёри сони.

Нисори молу жон ўлсун фидоси
Ҳам ул бинту-н-набий⁵ хайру-н-нисо⁶ ни.
Юзумни сургали, алхамдулиллаҳ,
Насиб ўлди Ҳарам⁷ ни остони.
На ерда ўлсам ўлсун туҳфа мандин
Дуруд⁸ ни бениҳоят ҳар замони.

Иккинчи таржия

Қилай эмди Ҳарам васфин саросар,
Саодат ҳужраси — нури мунаввар.
Зумурад тугмаи тожи саодат⁹,
Шарафда гўмбази воло¹⁰ ни аҳзар¹¹.

Бино чоғида меъмори — малойик,
Суви қавсар ани, туфроғи анбар.
Суви туфроғини лой айлаганда
Сомон ўрнига солгон мушқу заъфар.
Куланд¹² ўлмоқ таманно этди хуршид,
Ва лексин этмади Тангри муъассар.
Суволгон ганҷлари кофур¹³ абёз¹⁴,
Қўйулгон тошлари ёқути аҳмар¹⁵.
Ерини ҳоки пок мушқи соро,
Тўқулгон реза-реза тоши гавҳар.
Нузули файъ анда маҳз¹⁶ занжир,
Вужуди фатҳи бори халқани дар.
Эшик сидра¹⁷ дарахтидин мукаррар,
Эрур тўбий¹⁸ йиғочи остони.

Учинчи таржия

Зихи масжид, зихи меҳробу минбар,
Биносидур саросар санги мармар.
Ерига фарш¹⁹ қилгон тахта санги,
Сажанжал²⁰ дин мусаллоҳу ва мужавҳар²¹.
Расоу рустудур сангини сутунлар —
Ки, бош чекмиш қиби сарву санубар.
Равоқида ҳама оёти Қуръон,
Муҳаммад васфиди бўлгон муҳаррар²².
Сутун йўқ қад чекибдур бир парирўй,
Равоқ эрмас, қош эгмиш бир суманбар.
Баннотан-наъш²³ янглиғ қатта қандил,
Кичиклар ҳар тараф монанди ахтар²⁴.
Минори ҳар бири бир сарв боло,
Чекиб қад, ўлғали қўкка баробар.
Нихоли тамр²⁵ жон ичра алифдек,
Топпи ул равазда андин ҳама бар.
Шарофатжўш айни мисли қавсар,
Эрур саҳни саодат бўстони.

Зокиржон ФУРКАТ



Озода БЕКМУРОВА



Э.м.и десам

Қаҳқор баҳши Раҳимовга

Элим десам юрагимга нур қирар,
Томиримга осмон қирар, сир қирар.
Борлигимда бир илтижо хайқирар,
Элим десам икки дунём турқирар!

СИЗДАН МЕНГА НҲРЛАР КЕЛАР

О, билмайман бу қандайн табобат,
Тошин қучсам топгайдурман ҳоловат,
Олислардан соғинч тортиб келганда,
Қўқсимдаги ғамлар эрир тоабат.
Шу тупроқнинг гулман, гавҳариман,
Тоғларининг бошидаги зариман,
Қўқ ишқиди учиб кетган қушману
Кел деганда келадиган, бориман.
Шу даштларнинг шамолига юз чайсам,
Шу кенгликнинг қамолида улғайсам,
Исим айтсам, танисайди гиёҳлар,
Исмин айтса, дунёлар ичра ёйсам.
Юрагимга қувват керак, ёронлар,
Менга синмас қанот керак, ёронлар,
Элим десам, бизникисан десалар,
Менга шундай дастхат керак, ёронлар,
Менга шундай нурхат керак, ёронлар!

Ушунг янроғига...

Ой нурида қашта тиккан чевар эдим,
Бир оламин, бир онамин севар эдим,
Қунчикарга шўху шодон боқиб-боқиб

Елдай ўтса қунларим, деб қўяр эдим.
Сўнг бўлиниб кетдим минг бир бўлақларга,
Умрим бердим зиёси йўқ фалақларга!

Қўқламларим, байрамларим қолиб кетди,
Хайратларим, хайронларим қолиб кетди,
Қуёшнинг минг жияласидан нуҳса олиб,
Гул солганим ғиламларим қолиб кетди.
Сўнг бўлиниб кетдим минг бир бўлақларга,
Умрим бердим рости ёлгон ҳалақларга!

Қани менинг бутунлигим, бўвдлтигим,
Қани менинг қишин-ёзин ободлигим,
Эвоҳ, дунё, бугдой дондай сочдинг мени,
Қани менинг ёруғ қундай пок зотлигим?!
Ох, бўлиниб кетдим минг бир бўлақларга,
Умрим бердим қумдан сароб тилақларга!...

Бир қуш бўлиб келган эдим боғларингга,
Учиб қўндим пасту баланд тоғларингга,
Тарқамди осмонингда туманларинг,
Қояларга урилдим гул чоғларингга.
Эвоҳ, дунё, бўлдинг минг бир бўлақларга,
Ошна қилдинг олови йўқ юракларга...

Оқ қунлар ҳажри...

Онам осмон эди,
Отам тоғ эди...
Еру осмон сеҳрли нурбоғ эди.
Қўзим қўнғил эди,
Қўнғилим соғ эди,
Шодликларим тугамаган чоғ эди.
Тулар шуқуҳ, зар аралаш тоғ эди,
Чексизликнинг чодирлари кенг эди.
Ўйламасдан ўйнаб-қулиб чопардим,
Ёруғ тушларимнинг бари ўн эди.
Волдамнинг бағри мангу баҳорим,
Мойчечаклар табассуми бахт эди.
Миям айтилса нигоҳларининг изҳори,
Бир қайрилиб боқмаганим вақт эди.
Фасларнинг жами қўқлам лоззор,
Лажларнинг ҳеч саногой йўқ эди,
Юлдузларнинг шуъласига қарасам,
Малакмисол бир гуноҳим йўқ эди.
Бутун олам дўстим эди, қадрдон,
Шодлик сувин сочар эди тўрт томон.
Қўл узатсам, қанот ёзган турналар,
Нега қайтиб келмаяпти, ёрижон?!
Ёрижон...

Ҳаёт гули

Мен сенга аталган шундай меваман,
Юрагимни ушат, ол бир сўзимни.
Матназар АБДУЛҲАКИМ

Фаслар айланди атрофимда жим,
Жим кетиб борди ойнинг шарпаси.
Келар йўлларингга қўзимни тикдим,
Қўнғилимни асради орзу-хавасим.

Фурсатлар соғинди қадамларингни,
Бир меми адашган, бир меми шошган...
Шамолларга соқдим аламларини,
Бир меми тунларнинг бахридан кечган...

Бир асов дарёнинг тўққинидирман,
Қисмат қирғоғига сиймайин тошдим,
Билмайман,
Кимман ва қандайн сирман
Нега ҳаёлингга қўнғилимни очдим?...

Тонларни интизор кутдим сени деб,
Сени деб сочларим паршон бўлди.
Ханузман йўлларим интизор сенга,
Умидим шуъласи, кел энди...

Қурбат водийсига келгин, сарварим,
Умрим осмондан ёғдулар тердим,
Бир сенга аталган ҳаёт гулман,
Юрагимни ушат ва бир сўз дегин!

Фурсатлар соғинди қадамларингни...

Абдуғани СУЛАЙМОН



Ватан ҳақида қўшиқ

Эй она юрт, жонимдаги илдишимсан,
Қўзларимда ёниб турган юлдузимсан,
Юрагимни яшнаттувчи хур сўзимсан,

Забонимда гул унади сени десам,
Саломга осмон энади сени десам.
Тупроғингда бахт нафаси, Ўзбекистон,
Ўзингирсан жаҳон ичра ёруғ жаҳон,
Не-не улуг сиймоларга она макон,
Дунёларни уйғотган, эй азиз Ватан,
Дарё бўлиб жўш ураман сени десам.

Тимсолинг йўқ, обод ўлкам, ўзинг гўзал,
Шон топангдир элим сенда абал-азал,
Таърифингда ожиз эрур шеъру ғазал,
Парвозларим юксалади сени десам,
Юрагимда тоғ қулади сени десам.

Қучоғиндан айро тушим келмас харғиз,
Бахтга тўла остонамсан, чўқаман тиз,
Қўйлай-қўйлай қамолнингини, бўлдим ҳофиз,
Икки қўлим қанот бўлар сени десам,
Муҳаббатга ҳаёт тўлар сени десам.

Ватан десам, жилмайиб қуёш уйғонур,
Номинг айтиб юксак тоғу тош уйғонур,
Умид билан ҳам кексаю ёш уйғонур,
Қўқсимда осмон уйғонур сени десам,
Дилимда ризвон уйғонур сени десам.

Рух фасли

Одамзод меҳрга ташна бўларкан,
Ўқинса, қўзлари чашма бўларкан,
Гоҳида етти ёт ошно бўларкан,
Меҳр — бу қалбларнинг қалбига қўчгани,
Чанкаган қўнғилнинг гулоб ичгани.

Қўнғил ҳаммада бор, ҳар дилда туйғу,
Муҳаббатсиз олам эрур қоронғу,
Умр мазмунидир қалбдаги орзу,
Кимнинг юрагиди муҳаббати бор,
Тўртта фаслда ҳам руҳида баҳор.

Чора бўл ғарибу бечорига, дўст,
Йўлидан адашган овворага, дўст,
Мадад бер юраги садпорога, дўст,
Меҳру муҳаббат бор токи дунёда,
Ғанимлар пиёда, дўстлар зиёда.

Одамни беэмас сира сийму зар,
Ўхшасанг қўшга ўшагини магар,
Нур тарат барчага, эй дўст, баравар,

Меҳр — умр йўлин ёритувчи нур,
Меҳр қўнғилларга бағишлар сурур.

Ғани дер: қўнғилда то меҳр бордир,
Олам фарзандлари ошнодир, ёрдир,
Бундайн Ватанда доим баҳордир,
Ўзгалар дардига даво бўл, даво,
Дунёга келишдан шудир муддо.

Табиат

Барчага онасан, табиат,
Не бахт, ҳар ёна сан, табиат.
Илҳом не? Қайнаса булукдек —
Ох, шеърга дўнасан, табиат.

Тун — сиёҳ, қоғоздир осмон,
Ҳисларим қамалак — ёйсимон.
Қўнғил соҳилда гуллайдиги
Райхоним, нилуфар ё сунан.

Япроқлар не дейди, дил не дер? —
Ҳар шивир зиннида битта шеър.
Туйғунин мен сендан оламан,
Олдинда қарлдорман, она Ер!

Ҳасадгўйига

Олам кенг, шукрки, яратган Эгам
Барчага ризқ берган ва қисмат тугал.
Лек сенга нимадир етишмас мудо
Қалавнинг учи сен учун чигал.

Қўқсингда ловулар жаҳаннам ўти,
Танангга илонлар қуриб олган ин.
Азобдир омади қулгани кўрсанг —
Ит тирнар ичингини, сенга ҳам қийин.

Қора алағида яшамок огир,
Ғуборли қўрасан, хатто қуёшни.
Елканг оғримасини, толмасин қўлинг,
Отиб бўлғунингча бу минглаб тошини.

Биродар, умримиз ўлчоғлиқ, ахир,
Ўзингни қўлга ол, сина сабрингни.
Қўнғилнинг юв эзгу ниятлар билан,
Тиканлар босмасин, десанг қабрингни.

Ҳасад — бу иблисининг дадағасидир,
Изласанг, қутулмоқ йўли топилай.
Ўзлингнинг англагини, йўқса тоабд
Нажот эшиклари сенга ёпилай.

Бошланиши 3-саҳифада

Ширинини таржм

Рисолат тождори шоҳи “Лав лак”²⁶,
Нубувват²⁷ баҳрида бир гавҳари пок.
Хилол эрди Бурок²⁸и сум²⁹ига наъл,
Ушал окшомки, қилди сайри афлок.
Буроку Жаброилу қолди Рафраф,
Етушиди ўзи Ҳақ қурбига чолок.³⁰
Дели Тангри: “Ҳабибим, ё Мухаммад,
Тила мандин бу дам: “Инна аътойнак”³¹.
Дедиким: “Умматиини мағфират қил,
Эрурлар осийу саффоку”³² бебок”.
Дели Ҳакким: “Шафий ул-музинбин”³³ сан,
Гунаҳдин уммати осийга не бок³⁴?
Вужудинг “Рахматан ли-л-оламин”³⁵ дур,
Ўлурсан, ё ҳабибим, нега ғамнок?”
Зихи зотики, авсофида хома
Хуруфи ёзмади жуз “Мо арафнок”³⁶.
Ҳамиша равзасида ястаниб хок –
Ки, етмиш кинг малакдур посбони.

Беҳинини таржм

Мухаммад – афзали авлоди Одам,
Вужуди – боиси ижоди олам.
Туфайлидин анинг қилди Худованд,
Бани Одамин хилкатда муқаррам.
Шаби меҳроб наълайин³⁷ гурбин,
Қўзига сурма қилди Аршин азлам.
Сутуни чор руки ул чорёри –
Бинон дин алардин ўлди маҳкам.
Етушсун оли асхобиға онинг
Дуруди беадад мандин дамодам.
Муаххар³⁸ келди гарчи нури поки,
Ва лексин қулду ашёддин муқаддам.
Кетурди қайси кун оламға таширф,
Мухаммад, яъни ул нури мужассам.
Йиқилди ерга ул дам жами асном³⁹.
Ўлуб ҳам токи Кисро⁴⁰ қомати ҳам.

Кетибон ердин олам зулмати ҳам
Ҳамон дам ёғди нури осмоний.*Олтинини таржм*

Бақийи равзаси жаниатнишондур,
Анго мадфун⁴¹ хама аъломакондур.
Яна авлоду азвожи⁴² Мухаммад,
Маҳал дигари аҳли ҳонадондур.
Учунчи ёр – Усмон ибн Аффон,
Мақоми анда олий остондур.
Расулудлохға аммий⁴³, яъни Аббос,
Бақавли анда Захро ҳам ниҳондур.
Ҳасан бир ёнда, Зайнулобидин ҳам,
Алар бориға анда хонумондур.
Имом Жаъфар Солиқини ўгли,
Дигар гунаҳда мадфун ончунондур.
Яна асхоби пайғамбар ададсиз,
Шаҳиди поклар ҳам бегарон⁴⁴дур.
Имом Молик⁴⁵ – ул мазҳаб эгаси,
Анго ҳам маскани олий ҳамондур.
Ажал соқийсидини нуру жавондур.
Ҳама беҳуд ичиб жами фанони⁴⁶.

Етминини таржм

Уҳуд тоғики, остидур биёбон,
Биёбон эрмаски, мардонларга майдон.
Ғазо қилгонда ул ерда пайамбар
Шаҳид ўлди муборак икки дандон.
Яна аммийи Расулудлох Ҳамза,
Шаҳид ўлди тегиб шамшири буррон.
Шаҳид ўлди яна етминини икки тан⁴⁷,
Эдилар барча Онҳазратга ёрон.
Дариго, бўлсам эрди ул замонда,
Қилур эрлим аларга ўзини қурбон.

Ҳ А Ж Н О М А

Насиб айлаб Худо эмди келибман,
Фидо турбат⁴⁸ларига холи ҳам жон.
Баҳор айёми анда лола эрмас,
Заминдин жўш урар хуни шаҳидон.
Шаҳидлар қонидин тоши қизориб,
Уҳудин тоғи бўлди лаълга қон.
Деюрлар қабр аро тинмай бирор он,
Оқар Махшаргача пайваста қони.

Саққизини таржм

Зихи ул масжидин олий Қубоси,
Ҳавосидин хижил жаннат хавоси.
Ўлуб таъмир агарчи неча бора,
Турблур аввалин меҳроб асоси.
Пайамбар Маккадин хижрат қилибон
Келиб ул ерга чўқди тўғри нока⁴⁹,
Бу эрди Ҳақ таолонинг ризоси.
Ўлубон ҳам нузули оят анда,
Яна меҳроби байтуллохнамоси.
Агар қилса киши анда дугона⁵⁰,
Бўлур эрмиш ижобат хар дуоси.
Яна айи⁵¹ икки дерлар биёру Хотам⁵²,
Зиёда шираи жондин мазоси.
Абу Бакр, Умар, Усмон, Алидин
Ўлудур тўрт масжидин биноси.
Чикиб ансору мискинни агниёси
Ўшал манзилда қўрди Мустафони.

Ширинини таржм

Қунон янглиг ўлб сарғашта, хайрон,
Зиёрат айладин борича имкон.
Борурдим Қиблатайини масжиди⁵³га,

Ўн биринчи таржм

Тушуб бошимга савдон Мадина,
Элим бир умр шайдои Мадина.
Худога шукрим, бўлдум муяссар,
Ўллубон роҳнаймо⁶⁰и Мадина.
Манго афзал гулистони Ирамдин,
Қўрунур хори сахрон Мадина.
Чин уммат наздида қиммат эмасму
Гуҳардин хори сахрон Мадина.
На ман танҳо, кимки умматидур,
Қилур доим таманнои Мадина.
Тотиб кўрдумки, шириндур шакардин
Мазоки жонга хурмои Мадина.
Нечук тахрир этай, қоғазга ситмас,
Баёни қадри воло⁶¹и Мадина.
Эрур ҳасни ҳасини⁶² аъло⁶³и динга,
Мудаввар⁶⁴ қўхи болон Мадина.
Шарафатлиг саробон Мадина,
Ёлар қайси бирин қилким забони.

Ўн иккинчи таржм

Бу ерда эрди, Фуқрат, қош ўлсам,
Жиносо⁶⁵ Бақийи⁶⁶ иға қўмулсам.
Тиларманким бериб барҳам ўзумни
Жаҳон ташвишидин бир йўл қўтулсам.
Керак эмди кечиб хушу хираддин
Мухаммад ишқиде девона бўлсам.
Ҳаром ўлсун манга гулдек очилмоқ,
Сазодур гунича янглиг қонга тўлсам.
Қизарсам дард бирла мисли раъно,
Аламда саргайиб, ғам бирла сўлсам.
Десам ишқи Мухаммад сирридин сўз
Агарчиди Насимий⁶⁷дек сўйулсам.
Кечиб ғафлатда айми шабоб⁶⁸им,
Надомат бирла соқолимни юлсам.
Оғир тоғдин гуноҳим, йиғламасдин
Ўзум ҳолимга, айб эрмасму, қулсам.
Агарчиди Ҳўқанда тугулсам,
Мадина ичра, ё Раб, айла фоний.

1309 ҳижрий сана

- Мушаффиъ – шафоат қилувчи.
- Шоҳи анбиъ – Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом пайгамбарлар шоҳи дег таърифланган.
- Равза – Расулудлох (с.а.в.) дафн этилган муборак қабр ва ул зот ваъз ўқиган меҳроб ва минбар ораси.
- Вофий – сўзида турувчи, вафоли.
- Бингу-и-набий – Пайгамбар(с.а.в.)нинг қизи, Фотима онамиз назарда тутилган.
- Хайру-и-нисо – аёллар ичида энг хайрлиси.
- Ҳарам – Исом оламидаги машҳур икки ҳарамдан бири. Бу ўринда Мадина мунаввардаги Масжиду-и-набавий – Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг масжидлари назарда тутилган.
- Дурул – мактов, дуо, салом, яхшилик тилаш.
- Зумуррад тугман тожи саодат – бу ўринда Ҳарам шариф саодат тожига қадалган зумрад тугмага ўхшатилади.
- Воло – баланд, юқори, улуг, қатта.
- Аҳзар – кўк.
- Қулад – кетмон. Бу ўринда хушид (қўш) Масжиду-и-набавий биносини учун лой қорилганда кетмон бўлишни ору қилди, тарзида ташбех қилинган.
- Қофур – 1. Ғоятда оқ ва хушбўй модала, 2. Оппок тус.
- Абёз – 1. Ўта оқ, 2. Порлоқ, порлаган, ялтироқ.
- Ёқути аҳмар – қизил тусдаги қимматбаҳо тош.
- Махз – 1. Холис, соф, нуқул, 2. Фаҳат, фақатгина, ёлғиз.
- Сидра – еттинчи осмондаги дарахт номининг қисқартirilган шакли. Тулик номи – Сидрату-л-мунтаха (Иттиҳо дарахти). Ибн Аббос(р.а.)дан нақл қилинган қавлга кўра, у пайгамбарларнинг илми ҳам муайян даражадан сўнг

- интихосига (охирати) етиши ва унинг ортидаги нарсаларини билиш улар учун ҳам имконсиз эканлиги боис шундай номланган. Қаб(р.а.)дан ривоят қилинишича, бундай аталлишининг сабаби фаршталар ва пайгамбарлар унга келиб тўхтагани ва ундан у ёнига ўта олмгани учундир.
- Тубий – жаннатда ўсадиган дарахт номи.
- Фарш – тўшма, тўшалган, ётқизилган нарса.
- Сажаикал – биллур.
- Мужаххар – зийнатланган.
- Муҳаррар – ёзилган, битилган.
- Баниотан-и-наъш – қатта ва кичик айиқ қолдулар туркуми.
- Ахтар – юлдуз.
- Тамр – хурмо.
- Лав лак – “Лав лака ламо халакту-л-афлок” (Сен бўлмасанг, фалакларни яратмаган бўлар эдим) мазмундаги қудсий ҳадиснинг қисқартirilган шакли.
- Нубувват – пайгамбарлик.
- Бурок – Меъроқга чиққанда Пайгамбаримиз (с.а.в.) минган от.
- Сум – тўёқ.
- Чолок – тетик, илдам, чаккон.
- Инна аътойнак – Қуръони каримдаги “Кавсар” сураси 1-оятининг боши: “Биз ато эдик” маъносиде.
- Сафок – қон тўқувчи, хурир.
- Шафий ул-музинбин – гуноҳларни шафоат қилувчи.
- Бок – қўрқу.
- Рахматан ли-л-оламин – Қуръони каримдаги “Анбиъ” сураси 107-оят.

- Мо арафнок – Расулудлох (с.а.в.)нинг сийрату сифатларини таърифловчи олимлар ул зот ҳақида: “Сизнинг буюклигингиз шу даражадаки, таърифлашга қалам ожизлик қилиб, Сизни маърифатингиз ҳақидача ваъз эта олмай: “Мо арафнок” (“Биз Сизни (самолотингиз даражасида) таъриф олмайлик”) деган сўздан нарига ўта олмаймиз”, деб ёзганлар. Ушбу жумлада ана шу ҳолат акс этган.
- Наълайн – бир жуфт қовуш.
- Муаххар – ҳаммадан кейин, охирида.
- Асном – бутлар.
- Токи Кисро – ўша кездеги Эрон шоҳи Кисро – Хурмуз саройидаги гўмбаз. Расулудлох (с.а.в.) таваллуд топган кунда Хурмуз саройидаги ўн икки гўмбаз йиқилгани тарихдан маълум.
- Мадфун – қўмилган, қўмилган; дафн қилинган.
- Аъжоб – хотинлар.
- Амий – амаки.
- Бегарон – ҳеқсиз, чегарасиз, ҳалсиз.
- Имом Молик – моликка маънабининг йўлбошчиси.
- Бу икки мисрала “Қулду нафсин зоиқа-л-маъ” (Ҳар бир тир-рик жон ўлим шарбатини тоғтувчидир) оятининг мазмун бадий ифодасини топган.
- Етмин икки тан – Уҳуд газотида шаҳид бўлган етмиш икки саҳоба.
- Турбат – 1. Тупроқ, ер. 2. Қабр.
- Нока – тўя.
- Дугона – бу ўринда икки рақъат намоз маъносиде.
- Айи – матида бўлук маъносиде келган.
- Биёру Хотам – Пайгамбаримиз (с.а.в.) асос солган қудук.
- Қиблатайин масжиди – Мадина мунаввардаги масжид номи.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) имомлигида ушбу масжидда Масжиду-л-Ақсога қараб намоз ўқилаётган вақтда Масжиду-л-Харома юзлашни ҳақидаги машҳур оят нозил бўлган. Шунга кўра, бу даргоҳ Қиблатайин (икки қиблали) масжиди деб ном олган.

- Живор, жавор – қўшни ер, яқин ер, ён, атроф.
- Салд – тўнқич, гов, дотор.
- Журм – гуноҳ, жиноят.
- Хатти барот – ёриқ қоғози. Бу ўринда дунёдаги амаллар ёзилган ҳат маъносиде.
- Пайраи – эргашувчи, изидан, йўлидан борувчи.
- Бунну банот – ўғил-қиз.
- Рохлаймо – йўл юрвчи.
- Воло – юксак, қадри баланд.
- Ҳасни ҳасин – ўтиб бўлмайдиган, мустаҳкам қалъа.
- Аъло – душман.
- Мудаввар – юмалоқ, айлана.
- Жиносо – жаннатмонан.
- Бақийи – Пайгамбаримиз (с.а.в.) дафн этилган қабристон.
- Насимий – 1370-1417 йилларда ишб ижод қилган буюк озарбайжон шоири, асли исми Али, нисбаси – Имомидин. Миср султони Муайяддин ушбу дахрийликда айлаб, тириклайин терсини шилдирган.
- Айёми шабоб – ёшлик, йигитлик даври.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтини Ҳамид Сулаймонов фондида сақланаётган 2492 рақамли қўлёзма манба асосида нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Н.Жабборов.

БУХОРОДАН ТАРАЛГАН САДО

Дунёга машҳур гўша — қадимий Гижду-воннинг Хадича кишлоғида таваллуд топган Шамсиддин Тўраев (Садойи) ёшлигидан китобга меҳр қўйди. Туман газетасида “Боботог кизига” номи биринчи шеъри чоп этилгани илҳомига қанот бағишлади. Шамсиддиндаги истеъдодни кўрган акаси — фидоий матбаачи Жўракул Тўраев уни қўшни Қизилтепа туманида чиқадиган “Қизил тоғ” (ҳозирги “Қизилтепа тоғи”) газетаси тахририятига ишга киришга даъват этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов Шамсиддин Садойининг бир туркум шеърларига қўйидаги сўзлар ила “оқ йўл” тилаган эди: “Бухорои Шарифнинг истеъдодли шоири Шамсиддин Садойи қадим Шарқ шеърини адабиётимизнинг нафис дарчасини эҳтиром билан чертмоқда. Шамсиддин таъби нозик йигит. Шу маънода ўзига хос машрабфеъ шоир. Ишонманки, буюк устозлар назарига тушиб, Садойи келажакда катта шoir бўлади”.

Ҳа, бу башорат амалда ошди. Шамсиддиннинг илк шеърини тўплами ўқувчилар қўлига теккунига қадар мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари Ортиқ Отахонов, Бобомурод Ҳамдамов, Озодбек Назарбеков, Юлдуз Усмонова, Ғуломжон Ёқубов, Равшан Комилов, Ғиёс Бойтосев, Гулсанам Мамазонтова, Нуриддин Ҳайдаров, Дилдора Ниёзова, Оғабек Собиров, гиждувонлик санъаткор Шавкатжон Ҳамдамов Садойининг Ватан, мустақиллик, севги ҳамда

вафо, инсон қадри қиммати мавзуларидаги ўттиздан ортиқ шеърини қўшиқ қилиб қуйлашганди. Шоирнинг шеърлари “Еш қуч”, “Ешлик” журналлари, марказий газеталарда мунтазам чиқиб турди. Шундан сўнг “Мени кутган эдингиз”, “Давлатинг борида”, “Дунёни муҳаббат олади”, “Сени менга яратган”, “Кипригининг соясида айланади” шеърини тўпламлари муҳлислар томонидан илиқ қўтиб олинди.

Садойи қаламига мансуб қўшиқлар Наврўз, Мустақиллик, Конституция байрамлари шоди-

ФАОЛИЯТГА БИР НАЗАР

ёналарида, катта сахналарда қуйланаётганини алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Булар сирасига “Аллоҳ битта Ватан берган”, “Шукур айланг замонадан”, “Хур бўлгансан, Ўзбекистоним!”, “Беминнат”, “Зор айлама” ва бошқа қўшиқларини мисол келтириш мумкин.

Бу каби муваффақиятларининг боиси шоирнинг жўшқин илҳом, изланиши, ҳаётни теран кўз билан кўра билиши, ҳис эта олиши туфайлидир. Қўшиқ матнининг содда ва раво, дилга яқин ва самимий сатрлари беихтиёр қалбга кўчади:

Бошинг ётиққа етганда,
Ёлғизлик жондан ўтганда,
Бир пийла сув бергучи
Ёру жондан айирмасин.

Дунё қолар сану мандан,
Ширин жонинг чикса тандан,
Эй, Садойи Ҳақ олдида
Иймонингдан айирмасин.

Қадим Бухородан садо бериб адабиёт майдонига шиддат билан қириб келган Шамсиддин Садойининг китоблари бугунги кунда қўлма-қўл ўқилмоқда. Шогирдлари ҳам бир талай. Гиждувон туманидаги ўзи ўқиган мактабга борадими, Навоий вилоятидаги олийгоҳу коллежга ёки Тошкентдаги маърифат ўчоқларига борадими, шубҳасиз, уни қучок очиб қўтиб олишади, шеърларидан завқланишади. Бу — халқ дилидаги гапларни топиб ёза билиш, ўқувчиға маҳорат билан етказиб бериш, айниса, энг сара сўзларни сатрларга жо эта олиш натижасидир. Шеърлари икки-уч марта мутлоа қилингандаёқ ўқувчи қалбига қўчиб ўтиши шундан бўлса керак.

Не эксанг, қуз келиб даландан қайтар,
Тиз чўқиб Ҳақ десанг, нолангдан қайтар,
Отангни асрасанг — болангдан қайтар,
Чарчинг терс кетса ҳам отанг кетмасин,
Бошингдаги тожу қабанг кетмасин —
сатрлари инсонни дунёга келтириб, нон-туз берган, қамолотга етказган падаири бузрукворларни эъзозлаш, қадрига етишга даъват бўлса:

Боболарим ларза солиб ўтган тупроқ,
Момоларим алла айтиб, ёккан чирок,
Жон не керак, шу макондан айрилган чоқ,
Оллоҳ битта ватан берган пешонангга —
мисралари азиз ватанин ардоқлашга чорлайди.

Бундай даъваткор сатрлар Садойининг шеърларида бисёр. Шоирнинг ижодида адабиётшунос олим, профессор Иброҳим Ҳаққул, қўшиқнавис шоир Нормурод Нарзуллаев, журналист Сафар Осмонов ҳамда бошқалар ҳолисона баҳо бериб, китобларига самимий сўзбошилар ёздилар. Шу қунарларда таниқли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шамсиддин Садойи асарларини саралаб, “Сайланма”си устида ишламоқда. Қайноқ қалб эгаси Шамсиддинжон бундан буён қасидалар, балладалар, китобхон севиб ўқийдиган дostonлар ёзиб, адабиётимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверди, деган умиддаимиз.

Баҳодир ЭГАМ

Суратда: шоир Шамсиддин Садойи
ижодкор дўстлари даврасида.

“ТАФАККУР” ТУҲФАЛАРИ

“Тафаккур” нашри-ёти машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов қаламига мансуб “Менинг Доғистоним” асарининг биринчи ва иккинчи китобларини яхлит ҳолда чоп этди. Китобга атоқли шоиримиз Абдулла Орипов шундай таъриф берган эди: “Китобда юзлаб, минглаб ҳикматларни, ёмби фикрларни учратиш мумкин. Уларнинг ҳеч бири атайин ўйлаб топилган эмас. Муаллиф ажодлар, замондошлар тажрибасига таянади. Ҳар қандай сиёсатнинг игна қўзидек тешигидан ҳам “туя”ни бемалол ўткази олади. Мана бунга маҳорат деса бўлади”.

Нашриёт ўқувчиларнинг тақдирларини ўрганган ҳолда ушбу китобнинг тўлдирилган нашрини қайта чоп этгани айни муддао бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

АДАБИЙ-ИЛМий НАШРЛАР

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”
2019 йил 3-сон

Журналнинг илк саҳифаларида адабиётшунослик масалаларига бағишланган иккита тадқиқот берилган. “Абдулла Орипов шеър-иятида маломатийлик мотивлари” сарлавхали мақолада И.Ҳаққулов шундай ёзади: “...маломатийлик Абдулла Орипов шеър-ияти учун гўё бир сирли парда. Билим ва идрок билан у четга сурилса, шоир шеърларининг ўзига хос ва тақдорланмас хусусиятлари жонли, янада жозибали моҳият касб этаверадилар”. Ш.Ахмедова мақола-си атоқли олим Матёкуб Қўшоновнинг портрет яратиш маҳорати мавзусига бағишланган. Д.Худойберганаева, Д.Лутфуллаева ва Ё.Одиловнинг тадқиқотларида тилшуносликнинг айрим долзарб масалалари ўрганилган.

Илмий ахборот мазмундаги кичик тадқиқотларга журналнинг ушбу сониде кенг ўрин берилган. Улар орасида Алишер Навоий ижодий меросини ўрганишга бағишланганлари талайгина. Жумладан, А.Қурбоновнинг улуғ шоир ижодида “қўнғул” талқини, Б.Ражабованинг “Навоий эътироф этган шайх ва шоира”, Т.Хўжаевнинг “Ҳамса”да “оби ҳаёт” билан боглик тушунчалар талқини” мавзуларидаги мақоалалари шулар сирасидан. Шунингдек, бир неча илмий ахборот характеридаги изланишларда мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намуналари бадий-эстетик ва тил хусусиятлари нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Яна ушбу сонда илмий-бадий нашрлар, илмий ҳаётга онд ахборотлар билан ҳам танишасиз.



академик

ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ РАҲБАРЛАРИ ЭЪТИБОРИГА!

Маълумки, ҳар бир шеърин асарининг муаллифи бор. Агар бирор кўшиқ яратилса, шоир, бастакор ва ижрочи унинг ҳаммуаллифи саналади. Одатда бастакорлар, санъат ахли кўшиқбон шеърни муаллифдан, китоблардан ёки газета-журналлардан олиб, кўй басталаб, кўшиқ қилиб ижро этадилар. Концертларда, тўйларда, телевизор экранларида, радио тўлкинларида, сотиладиган дискларда кўшиқлардан келадиган даромаддан шеър муаллифига ҳам ҳақ тўлиниши керак аслида. Афсуски, ҳозир телевизор ва радио тўлкинларида бирор кўшиқ ижро этилса, шоир тугул, ҳатто кўшиқ ижрочисининг ҳам номи деярли тилга олинмайди.

Бир пайтлар одамлар кўшиқ ижрочисини овозидан танир, мана бу Маъмуржон Узоқов, мана бу Муллагулчи ҳофиз ёки Ориф Алимасумов, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов дед олиқлашларди. Табиийки, оила даврасида, жамоатчилик орасида ёш авлод ҳам уларнинг номини таниб оларди. Ҳозир эса, радио суҳбатдорларининг "Сиз мумтоз кўй ва кўшиқлар тингладингиз", деган умумий гапдан иборат ҳулосасини эшитасиз, ҳолос. Бу муаллифлик ҳукуки нуктаи назардан муаллифларнинг ҳақига хиёнат эмасми?

Илмий ишларда, газета ва журналларда бирор муаллиф асаридан бир парча ёки бир минсра фойдаланиш учун иктибос сифатида олинса, кимнинг қайси асари, қайси саҳифасидан олингани ёзиб қўйилади. Сир эмас, ҳар кун телевизор, радио каналларида кўшиқлар дарё-дарё бўлиб оқади. Бирок на бастакорлар, на ижрочилар ва на матн муаллифлари номи тилга олинмайди.

Тошкент шаҳридан фуқаро Х.Раҳматуллаева Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига худди шу мазмунда хат йўллаган экан. Буни қарангки, мутасаддилардан бири унга қуйидагича жавоб ёзиб юборибди:

"Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданияти, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил орқали 2017 йил 23 февралдаги 18-14-5 27 81-рақамли топишириги жорий

ИЖОДКОРЛАР НОМИ НЕГА ЭЪЛОН ҚИЛИНМАЙДИ?!

йил 23 февралда 31-04-156-сон билан рўйхатга олинган муҳофизатингиз ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилди.

Сўровингизга жавобан Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунда радио ва телевидение эфирларида узатиладиган ашулалар шеърининг муаллифлари номини эълон қилиш ёки қилмаслик ҳусусида ёзувлар мавжуд эмас.

Қўшимча маълумот сифатида ижрочи хонандалар шеърларини ашула қилиб айтиш учун шеър муаллифларидан рухсат олган ҳолда ашула яратиш аънаси мавжудлигини ҳам билдириб ўтмиш. Ҳозирги компания тизимидаги телерадио каналлари хонандаларнинг кўшиқларини эфир талабларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда эфирга узатиб бормоқда.

ИМЗО".

Ушбу жавоб хатининг тахриралабчилигини ай-

тмай қўй қолиш мумкиндир, бироқ мазмунини ҳам қўллок. Ҳайрон қолсан киши: мантик қани? Кўшиқ ижрочиси, шеър муаллифи, бастакорларнинг номини эълон қилиш оддий маданият талаби, қолаверса, ижодкорлар учун номларининг айтилиши фахр-ку! Албатта, бу каби оддий талаб ҳам қарор ёки буйруқда қайд этилиши шартми? Бу ғирт бюрократлик, қозғозлик эмасми?!

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги

лаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олсин", дейилган.

Эътибор беринг-а, телерадиокомпания мутасаддиси: "Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунда радио ва телевидение эфирларида узатиладиган ашулалар шеърининг муаллифлари номини эълон қилиш ёки қилмаслик ҳусусида ёзувлар мавжуд эмас", деб ёздаи жавоб хатида. Балки кўп йиллар бурун қабул қилинган "Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунни шоирларнинг тўғри тонига

улаб қилган машаққати, ижодий меҳнатини, ҳар бир сўз устида тинимсиз ишлашларини билмайдиган депутатлар ёздандир. Ким билсин... Майли, бутун Президентимиз шоирлар, ёзувчилар, драматургларнинг меҳнати қон қазувчилар меҳнатидан

қўра оғирроқ эканлигини таъкидлаб, бу меҳнатни ардоқлаб қарорлар чиқариб қўйибди. Мутасаддилар марҳамат қилиб, уларнинг ижросини таъминлашлари лозим-ку! Молюминки, қуниимиз бир парча қозғозда қайд этилган матнга қараб қолган экан, депутатларимиз ижод аҳлига ҳурмат юзасидан муаллифлик ҳукуқи ҳақидаги ҳужжатларга кўшиқ ижрочилари, шеър муаллифи ва бастакорларнинг номини, албатта, эълон қилиш, телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришларида кўшиқлардан фойдаланганларида уларга қалам ҳақи ажратиш ҳақида бирор банд киритишар. Шундай қилинса, ижодкорларнинг муаллифлик ҳукуқи тўлиқ тикланган бўларди.

Х.МАЛИЕВ

Тошкент шаҳри

"РОЗИ ҚИЛИНГАН КЎНГИЛ"

Яқинда ўзимга хос, ўзимга мос архивимни қўздан кечириб ўтиргандим. Анор оғанинг "Олтинчи қават" номи асаридан бир хикматли сўзни кўчириб, ўзим учун таржима қилган эканман. Лекин аслини тополмадим. Ёдимда қолганини ёзганман, хатоси бўлса уэр: "Шундай бир мавзулар борки, то уларни ёзувда инфодаламагунингча, тинчлик бермайди". Худди ҳозирги ҳолатимга мос ибора.

Дунёда гуллар кўп, мўъжизалар, санъат ва адабиёт асарлари, ғазаллар, куй-кўшиқлар, хофизлар кўп. Ҳаммаси мен учун сеvimли, ҳаётим мазмунини. Бирок бу оламда икки ғазал, бир кўшиқ ва бир хонанда борки, умрим охиригача улар мени ҳайратта солади. Бир ғазал ҳазрат Навоийнинг "Айлағач"и бўлса, иккинчиси Фузулийнинг "Ғамзасин севдинг кўнгул" ғазалидир. Ижрочиси Тожиддин ака Муродов. Буни кўнгулим танилаган. Томас Бабингтон айтганидай: "Бу оламда Кўнгулдан бошқа ҳамма нарса муқофот ва жазо эсимда". Иоган Кеплер XVII аср бошида Сайёралар ҳаракати қонунини очганида, Ер сайёраси орбитасининг сонли параметри "Фа" ва "Ми" нотасига муносиб келар экан. Қуёш, Ой ва бешта сайёра айланганда ўз товушларини беришаркан. Сайёралар товушлар ҳам, масофалар ҳам мусика интервалига мос экан.

Демак, ўн саккиз минг Оламдан Илоҳий қуйлар абадий таралиб турибди. Бу самовий қуйларни Яратганнинг тавливи билан мингдан бир одамгина кўнгул, рух қулоғи билан эши-

тади. Булар шоирлар, бастакорлар, хонандалар ва санъаткорлар.

Фузулий қайси юлдузли онларда, қайси изтироб, қайси кўнгул катида ёзганидаги ҳолатлар замон ва макон танламай, хофиз Тожиддин ақанинг қалбидан жой олибди. 1973 йилда яхши инсонлар шарофати билан дунёга келган бир куй, бир кўшиқ, бир хофиз қалбимда 45 йилдан буён ардоқли, руҳий эҳтиёж сифатида азиз ва ҳукмрон меҳмон экан!

МУШТАРИИДАН МАКТУБ

Анча илгари, гоҳ радиода, гоҳ телевизор орқали ушбу кўшиқ тез-тез бериладди. Эшитган куним ҳам, кўрган куним ҳам кунларнинг энг бахтлиси ва байрами эди... Бу кўшиқни Хурриятхон Исроилова ижросида ҳам севиб тинглаганман. Не бахтки, ушбу кўшиқнинг яратилиши ҳақидаги кўрсатувни кўрганам кечагидай эсимда.

1980-90 йилларда Урганчдаги "Интурист" меҳмонхонасида таржимон бўлиб ишлардим. Бир кун Тожиддин ака ансамбли билан гастролга келиб, Тўртинчи қаватда жойлашганларини эшитдим. 409-хона эшигини юрак ютиб, минг бир ҳижолат билан тақиллатдим. Бу жасорат хонандага, кўшиқка бўлган чексиз ҳурматдан келиб чиққанди. Ўзлари қулиб эшикни очдилар. Мақсадимни тушунтирдим. "Агар мумкин бўлса, фойеда бир жуфт кўшиқ айтиб

беринг, кўшиқларингизнинг ғойибона муҳлисиман", дедим. Беғубор табассум билан, ҳеч оғринмасдан, "ҳўй" дедилар. Ҳалигача бундай қуёшли, покиза қалбдан чиққан беғубор табассумни ҳеч кимда кўрмадим...

Сўнгра таржимонларимизни, бошқа ишчи-хизматчиларини йиғиб келдим.

Биринчи айтган кўшиқларини эслолмадим. Иккинчи кўшиқ эса... "Ғамзасин севдинг кўнгул" эди. Овозлари диапазонининг кенглиги жинзилар девордаги кўргазмага қўйилган чиниллар, шифту деразалар, нанки улар, йиғилганларнинг қалби ҳам жаранглаб акс-садо берди. Фойедаги самбиттуллар ҳам осмон баробар ўсиб, сирди таъзим қилгандай бўлди...


Ҳазрати Инсон Тожиддин ака бир инсон сифатида сўзимни ерда қолдирмай, илтимо-

СОВРИН МУБОРАК!

Қозғистон Республикасининг Нурсултон шаҳридаги марказий цирк биносиди "Эхо Азия" XII Халқаро цирк фестивали бўлиб ўтди. Унда 13та хорижий мамлакатдан 150 дан ортиқ цирк санъати усталари иштирок этди. Испания, Италия, Германия ва бошқа мамлакатлар цирк санъати соҳасининг етуқ мутахассислари меҳмон ва қузатувчи сифатида қатнашдилар.

Мазкур фестивалда "Ўзбек давлат цирки" давлат муассасасидан маҳоратли цирк устаси Рустам Ҳаматов раҳбарлигидаги А.Қодилов, К.Ҳаметова, А.Жалилов, С.Нажмутдинова, И.Мишуровдан иборат дорбозлар гуруҳи ўз дастури билан иштирок этиб, фахрли иккинчи ўрни соҳиби бўлиши ва қумуш совринни қўлга киритишди.

БЎСТОНЛИҚ МАНЗАРАЛАРИ



Пойтахтимиздаги ўрол Тансиқбоев уй-музейида таниқли фоторассом Алексей Поповнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. "Бўстонлик ранглари" деб номланган мазкур кўргазмада ижодкорнинг ўттизга яқин ишлари намойиш этилмоқда.

— Бу ерда турии йилларда суратга олган ижодий ишларим бор, — дейди биз билан суҳбатда А.Попов. — Уларда, асосан, Бўстонлик туманининг Бурчмулла, Яккатут, Хўжакент, Чорвоқ каби ҳушманзара жойлари акс этган.

Менга кўпроқ оддий ҳолатда кўза ташланган ноодатий кўринишларни суратга муҳрлаш ёқди. Асосий мақсадим — табиатнинг рангин кўринишларини абадийга муҳрлаш. Сураткашнинг "Яккатутда тонг", "Булоқ кўриқчиси", "Чорвоқ кишлоғи" каби ўнлаб асарлари кўргазмага келувчиларда кизиқтириш уйғотди. Табиатни, юртимизнинг севимли манзараларини жон-дилдан сўвувчи фоторассом А.Попов муҳлисларни янги ва яхши суратлари билан ҳушнуд қилишда давом этади, деган ниятдаимиз.

Н.ИЮНУСОВА

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, Ўзбекистон халқ артисти

Зоҳид ХАКНАЗАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош
муҳаррир:
Ўқтом
МИРЗАЁР

Ҳамкорларимиз:



Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Тахриратга келган кўзёзмалар тахсил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назардан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адали - 5773. Буюртма Г - 755.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 20.40.

ЖУМА КҮНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотууда нархи эркин.



ISSN 2181-111X

